

Урганч шаҳар 96-сон қар болалар махсус интернати биносини жорий таъмирлаш объекти бўйича
2022 йил ойлари давомида молиялаштириш

Ж А Д В А Л И

Т/р	Ишлар тури ва номи	Жами молиялаштирил- ган маблағ	2022 йил бўйича қурилиш қиймати (мил.сўмда)													
			1 - чорақ			2 - чорақ			3 - чорақ			4 - чорақ				
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	Урганч шаҳар 96-сон қар болалар махсус интернати биносини жорий таъмирлаш	32 200,0						9 660,0								
	ЖАМИ	32 200,0						22 540,0								
								32 200,0								




Хоразм вилояти Урганч шаҳар 96-сонли қар болалар махсус интернати билан “Урганч қурилиш транс” МЧЖ ўртасида 2022 йил 30 май даги 3-сонли “Пудрат шартномаси” га ҳуқуқий

Х У Л О С А

Мен, “Урганч қурилиш транс” МЧЖнинг юристконсулти Максудбек Атаджанов Юлдашевич ушбу шартнома лоиҳасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳамда 1998 йил 29-августда чиқарилган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий баъзаси тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси бўйича ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб ўтказганимда ушбу шартнома амалдаги Қонунининг 24,25-32,36-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекисисининг 37-боб, 631-702 моддаларига мос равишда тузилган.

Юристконсулт:

02.06.2022



М.Ю.Атаджанов

Урганч шаҳар 96-сон қар болалар махсус интернати биносини жорий таъмирлаш объекти бўйича
2022 йил ойлар давомида ишларни бажариш

Ж А Д В А Л И

(минг.сўмда)

Т/р	Ишлар тури ва номи	Жами молиялаштирил ган маблаг	2022 йил бўйича қурилиш қиймати											
			1 - чорак			2 - чорак			3 - чорак			4 - чорак		
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябрь	ноябрь	декабрь
1	Урганч шаҳар 96-сон қар болалар махсус интернати биносини жорий таъмирлаш	32 200,0						32 200,0						
	ЖАМИ	32 200,0						32 200,0						



Буюртмачи:



Ўз рағибч:

Пудратшартномаси №3

Урганч туман

«30» май 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Урганч шаҳар 96-сон қар болалар мактаб интернати** номидан Низом асосида ишқурувчи буюртмачи **Н.Ш.Маматова** бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **“Урганч қурилиш транс МЧЖ** Номидан устав асосида иш қурувчи **У.Каримов** иккинчи томондан Урганч шаҳар 96-сон қар болалар махсус интернати биносини жорий таъмирлаш бўйича қурилиш-мантаж ишларини амалга ошириш бўйича мазкур пудрат шартномаси тузилди.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қулланилади:

Ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

Вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Урганч шаҳар 96-сон қар болалар махсус мактаб интернатини жорий таъмирлаш** смета лойихада қузда тутилган объектни қуриш бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни (ҚҚС) ни уз ичига олган ҳолда жорий нархларда **32 200 000 (Ўттиз икки миллион икки юз минг)** сўмни ташкил қилади.

4.Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно :

курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч(форс-мажор)холатлари сабаб булганда;

ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортика узгартирилганда.

5.Таъмирлаш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7.Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тutilган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 1- иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тutilган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш, бунда объект нархининг камида 20% микдоридаги ишларни уз кучлари билан бажариши шарт;

курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюрмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар хамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тutilган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

8.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1 - иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини таъминлаш;

Пудратчининг барча муурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2 - иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

9. Шартнома: миллий валюта "Сум"да узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сумда" узаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ руйхатдан утқазилгандан кейин қучга қиради.

10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушган қундан бошлаб ишларни бажаришга қиришади.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган қундан эътиборан 5 қунни ташқил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига мазкур шартнома буйича мақсадли аванс беради ташқилотнинг молиялаштириш жадвали буйича тўғридан-тўғри пудратчининг ҳисоб рақамига ишлар умумий қийматининг 30 фоиз миқдоридан аванс ўтқазади, бу **9 660 000 (Тўққиз миллион олти юз олти миш минг)** сўмни ташқил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати қабул қилингандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қучга қирган қундан бошлаб уттиз қун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда ҳабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар қиритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

18. Буртмачи қурилиш майдонида уз вақилини- техник аудиторни тайинлайди, у Буртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

19. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

20. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда ҳабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб ҳабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг

талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга,сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса,у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

21.Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа,у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир,ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса,Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

22.Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини,шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди,курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди

Х.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор)холатлари

23.Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса,томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган,шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

24.Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса,у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама килидилар.

25.Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар,у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

ХI.Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш

26.Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тугилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин,шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

27.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида кабул килиб олинади.

28.Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-булимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради.Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

29.Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

ХII. Кафолатлар

30. Пудратчи:

барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини, узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

31. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб белгиланади.

ХIII. Шартномани бекор қилиш

32. Буюртмачи:

шартнома қучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан қуч вақтга қечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қучайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жаadwalига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қучилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қучма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

35. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

37. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қучилмайди, қонун хужжатларида ёқи мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

38. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:
иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди:

Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Узбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

39. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молилаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

40. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тулайди.

41. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоиз миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз

бажарилган ишлар қийматининг 0,05 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

42. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарни коплайди.

43. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо будадиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан қуриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

45. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

46. Мазкур шартномага барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар томонидан имзоланиб, Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначиликдан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача кадар амал килади.

47. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 3 нусхада тузилди.

XVII КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив 15 ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қафолатлайди.

7.2. Истеъмомчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

«Урганч қурилиш транс» МЧЖ	Урганч шаҳар 96-сон қар боллалар мактаб интернати
Урганч тумани Мустақиллик кучаси	Урганч шаҳар Мустақиллик кучаси 31-уй
МФО: 00570 Микрокредит банк Қаровул филиали	Молия вазирлиги Ғазначилик ҳисоб рақами
х/р: 20 20 8000 700 341 928 001	Шхр: 100021860334017092400075001
ИНН: 302 775 252	ИНН 201943062
	х/р: 23402000300100001010
	00014 Марказий банк Тошкент шаҳар
	ИНН 201122919

М.Ў.



(ИМЗО)

Ҳуқуқшунос:

С.М. Аҳмадқовлов



М.Ў.

(ИМЗО)